
Олтиариқ тумани ҳокими Ш.Турдалиевнинг 25 октябрь - Ички ишлар ходимлари куни муносабати билан байрам табриги
Қадрли Ички ишлар органлари ходимлари, осойишталигимиз посбонлари!

Сизларни бугунги касб байрамингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар органлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги байрами муносабати билан туман ҳокимлиги, Халқ депутатлари туман Кенгаши ва фаоллар номидан самимий табриклайман!

Сизга аввало мустаҳкам соғлик ва масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатимизда ижтимоий-маънвий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда Янги Ўзбекистоннинг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза қилишдек шарафли ҳизматингиз доимо қадрланади.

Туманимизда ҳам Ички ишлар ходимлари ва кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамжиҳатлик натижасида жиноятчиликларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлар самарали йўлга қўйилган. Бу борада ўз хизмат бурчини сидқидилдан адо этаётган шахсий таркиб ва раҳбар ходимларнинг меҳнати туман ҳокимлиги томонидан доимо эътироф этилади. Ички Ишлар идоралари ходимлари халқ хўжалигининг барча соҳасида эришаётган натижаларимиз ва юртимиз равнақи йўлидаги амалга оширилаётган ислохотларимизда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар.

Сиздай шарафли касб эгаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида сўз борганда, турли жабҳаларда қўлга киритилаётган марралар билан бир қаторда, жойларда учраб турган ва ислохотларнинг боришига салбий таъсир кўрсатаётган айрим муаммо ва камчиликларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларни бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларда ташаббускорлик ва жонкуярлигингизни алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқимиз Сизнинг тимсолингизда жипсликни, ҳар қандай тўсиқ олдида ҳам ўз аҳдидан қайтмайдиган, бурчига садоқат билан хизмат қиладиган олийжаноб инсонни кўради.

Бу борада ўзининг бор билим ва тажрибасини, куч ва ғайратини халқ манфаатлари учун сарф этаётган, Ватанимиз тинчлигини бардавом бўлишида ўз оромидан кечиб, туну-кун хизмат қиляётган фидоийларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашдек эзгу ва олижаноб ишга бағишлаган Сиз каби мард ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар шаънига самимий тилакларимизни билдирамыз.

Шарафли ва шу билан бирга масъулиятли бўлган касбингизда муваффақиятлар ва оилавий хотиржамлик тилайман!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Ш.А.Турдалиев,

Олтиариқ тумани ҳокими.

2022-10-25 17:10:35